



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 184 300 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 360 460 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 360 460 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 221 190 сўм миқдоридида белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳужалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5245-сон Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль

МУНОСАБАТ

Аввал хабар берилганидек, ўтган ҳафта охирида, яъни 29 июнь кuni Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманига ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишган, шунингдек, Ёшлар марказида пойтахтимиз фаоллари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказган эди.

Ушбу йиғилишда долзарб ижтимоий масалалар бўйича билдирилган чуқур мулоҳазалар, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар нафақат Олмазор тумани ёхуд пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз равнақи йўлида, халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир. Партиямиз фаоллари, депутатлар, турли соҳа мутасаддилари шу ҳақда фикр билдирмоқда.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПУЧОН УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Умумэтироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш, мамлакатнинг мактабгача таълим муассасаларида кўп йиллар давомида етишмай келаётган педагог ва тарбиячилар ўрнини тўлдириш, инновацион муҳитни шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Пучон университетининг (Корея Республикаси) Тошкент шаҳрида Пучон университетини (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Пучон университети (Корея Республикаси):

ўқув бинолари, ўқув-лаборатория базаси, талабалар турар жойлари ва Университетнинг бошқа иншоотлари мебель, инвентарь, ўқув ва илмий жиҳозлар, ташкилий техника ва компьютерлар билан жиҳозлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлайди;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантиришга ва уни замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга (шу жумладан, Пучон университетининг (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини яратган ҳолда), замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилишига кўмаклашади;

ёш истиқболли маҳаллий илмий-педагог кадрларнинг, шу жумладан, чет элда малака оширишига кўмаклашади.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимига, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларига замонавий таълим технологиялари асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича илгор хорижий тажрибани жорий этиш, очик ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

мавжуд муаммолар ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

республикада мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимини, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга кўмаклашиш.

4. Белгилансинки:

Университет олий таълим муассасаси — юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулк, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидида пул маблағлари ва мол-мулк билан жавоб беради;

Университет таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда Пучон университетининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширадиган;

Университетда кадрлар, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларга, шунингдек, архитектура ва дизайн соҳасида ҳамда талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланади;

Университетда таълим олиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида, қундузги, сиртки ва кечки шаклларида, тўлов-контракт асосида, шу жумладан, потенциал иш берувчилар — юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган таълим грантлари бўйича, шунингдек, асосан мамлакат минтақалари ёшларининг таълим олиши учун ажратиладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобида амалга оширилади;

Университетга қабул 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим, корей тили, шунингдек, архитектура ва дизайн йўналишлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар маълумотга эга шахслар ўртасида кириш имтиҳонлари ўтказиш орқали амалга оширилади. Кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли, тартиби ва муддати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Пучон университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланади;

Университет битирувчиларига қўшимча юридик тартиб-таомилларсиз Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Пучон университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Университетни молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, ҳўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, тегишли шартномалар асосида манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Тошкент шаҳрида Пучон университети ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Ташкилий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Университетни ташкил этиш бўйича фаолиятни оператив бошқариш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

Университетни ташкил этиш масалалари бўйича Пучон университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлаш жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни ташкил этиш бўйича тасдиқланган жадвалларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ва мониторинг олиб бориш.

6. Белгилансинки, Университет фаолиятининг жамоатчилик бошқаруви олий органи — 2-иловага мувофиқ таркибдаги унинг Васийлик кенгаши ҳисобланади.

Қуйидагилар бўйича кўмаклашиш Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим жараёнини, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли ошириш, Университет битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг янада ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

таълим жараёнида ўқитишнинг илгор шакллари ва усулларини, педагогик, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштириш, самарали фундаментал (амалий) илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш, ўқув, илмий ва илмий-методик материалларни эълон қилиш, Университетда ўқув ва илмий жараёнларни оқилона интеграциялаш;

Университетнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория усуналари ва ўқув-методик

адабиётлар билан жиҳозлаш, Университетнинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилаш;

Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мамлакатлардан малакали ва тажрибали педагоглар ҳамда мутахассисларни жалб этиш, педагог кадрларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш ва уларнинг малака оширишдан ўтишларини ташкил этиш;

Университет фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун ҳомийлик хайриялари, техник кўмак маблағларини (грантларини) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

талабаларни, энг аввало, етим болалардан ва ота-она васийлигисиз қолган болалардан иборат талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шaroитларини яхшилаш ва уларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини фойдали ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг дам олишлари учун шарт-шaroитлар яратиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2018/2019 ўқув йилида ва кейинги йилларда Университетга қабул қилиш квоталарини ва ўқиш учун контракт суммасини белгилаш;

махсус стипендиялар бериш орқали Пучон университетига (Корея Республикаси) ва хорижий соҳавий бошқа етакчи таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш;

Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва докторантлари учун халқаро тажриба алмашишни ташкил этиш.

7. Университетнинг Васийлик кенгаши Пучон университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда:

а) бир ой муддатда:

Университет Уставини тасдиқласин, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Университетнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2018/2019 ўқув йили бошлангунига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган зарур ўқув-методик комплекслар билан таъминласин.

8. Университетга:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларидан келиб чиқиб, Пучон университети (Корея Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ўқинишнинг янги истиқболли йўналишлари ва мутахассисликларини очилган;

Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун тақлиф этиладиган хорижий профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича, тузилмадан шартномалар асосида ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

9. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катортол қўчаси, 2-берк кўча, 38а-уй манзилида жойлашган Чилонзор педагогика коллежининг бино ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилинсин, кейинчалик бепул фойдаланиш учун Университетга ўтказилсин.

Чилонзор педагогика коллежининг ўқувчилари ўқиниш тамомлағунларига қадар Университетга берилган биноларда ўқиниш давом эттиришлари белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАРЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмазор туманига ташрифи чоғида Ўзбекистон қарлар жамиятининг Карсоқовлар маданият марказида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами кўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишган ҳамда маданият марказига иккита автобус, Қарлар жамиятининг уч нафар аъзосига Тошкент шаҳридан уй совға қилган эди. 1 июль кuni Ўзбекистон қарлар жамиятида ушбу совғалар тантанали равишда топширилди.

► Давоми 3-бетда.



ҲАР БИР ИШ ЎРНИ УЧУН КУРАШИШИМИЗ ЗАРУР

Бугун Президентнинг ўзи қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, ҳақиқий аҳвол билан танишмоқда, одамларнинг талаб-истакларини ўрганмоқда. Уларнинг ечими бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда. Ана шундай бир шароитда сиёсий партиялар, депутатлар ва жамоатчиликдан нима талаб этилади?..



Санжар МАВЛОНОВ,
халқ депутатлари Олмазор
туман Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи аъзоси:

— 29 июнь куни Президентимиз раҳбарлигида туманимизда ўтказилган йиғилишда ҳаётимизни фаровонлаштириш, ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ жуда долзарб масалалар муҳокама этилди, танқидий таҳлилий фикрлар билдирилди, тўғриси, аччиқроқ гаплар ҳам айтилди, айни пайтда кўлаб эзгу ташаббуслар илгари сурилди.

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масалалари туманимизда ҳудудлардаги рақамлар ҳаётга унчалик тўғри келмаётгани оғирлиқ билан таъминлаш масаласида бўлган. Энди бир ўйлаб кўрайлик, иш ўрни ҳақидаги маълумотлар ёлғон бўлса, бундан аввалроқ ён-атрофимизда юрган оқдод одамларга, айниқса, ёшларга зиён-заҳмат етмайdimи? Бандлик масаласида ёлғонга йўл қўймас, ўзимизни, фарзандларимизни алдаган бўламиз, бунинг ортидан катта-катта муаммолар келиб чиқади.

Қаранг, биргина Олмазор туманида 8000 нафардан ортиқ ёшлар ҳорижа иш қидириб чиқиб кетган экан. Агар ўзимизда муносиб иш бўлса, улар ота-онаси бағрида, дўст-биродарлари ёнида яшаб юрмасмиди?.. Бу масалада баландпарвоз гаплар, умумий йиғилишлардан қочиб, аниқ режа асосида иш қўришимиз талаб этилмоқда. Бугун кимга иш топишда ёрдам бердик, неча кишини ишли қилишга эришдик, деган аниқ саволларга жавоб бера олошимиз керак.

Янги ва барқарор иш ўрни яратиш кўлаб омишларга боғлиқ жараён. Бунинг учун кенг қамровли иш

олиб бориш, айниқса, эътибордан четда қолган имкониятлардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Шулардан энг муҳими туман ҳудудида бўш турган ерлар ва йиллар давомида қаровсиз қолаётган объектлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқдир. Тан олиш керак, бизнинг туманимизда бундай жойлар оз эмас. Лекин бу ҳақда аниқ маълумотлар йўқ. Шунинг учун йиғилишда туман ҳудудида бўш турган ер ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, инвесторларни жалб этган ҳолда янги лойиҳаларни амалга ошириш, бандликни таъминлаш, бу борада режали ҳисоб-китоб асосида иш тутиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишдаги савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалардан англадимки, бугун қайси соҳада бўлишимиздан қатъи назар, ҳаммамиз фикрлаш тарзими, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз керак. Шунда ишимиз ҳам, унинг натижаси ҳам яхшиланади.

Тўғриси, озроқ ютук билан, бироқ катта муаммони ҳал қилиш билан чекланиб қолиш, ўзимизга маҳлул бўлиш энди бизга умуман ярашмайди. Давлатимиз раҳбарининг фикрларидан мен шунинг англадим. Шу ўринда бир мисол келтирай. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Олмазор туманида 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолди. 5-10 йил аввалги ҳолат билан қиёслаганда бу катта маблағ, албатта, Лекин Президентимиз туман бюджетини 50 миллиард сўм бўлиши кераклиги, шунда ҳокимият ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлишига эътибор қаратдилар.

Очигини айтсак, туманимиз кўпгина кўрсаткичлар бўйича ривожланишдан ортда қолаётгани, хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пойтахтимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар кам экани кўрсатилганда, уялданган ҳолатга тушиб қолдик. Салбий натижаларни тубдан яхшилаш, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Муаммоларга тепадан ечим кутмасдан, ўз фаолиятимизга танқидий ёндашиб ишласак, сессияларда депутат сифатида қатъий позиция кўрсатсак, белгиланган вазифаларни амалга ошира оламиз, деб ўйлайман. Яшаётган ҳудудимиз ривожланса, турли лойиҳалар амалга ошириб, барқарор иш ўринлари яратилса, бундан аввалроқ маҳалладошларимиз, ақилларимиз манфаат қўриши, жамоатчилик биздан рози бўлиши унутмаслигимиз керак.



Ҳайдар БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Тошкент шаҳар
кенгаши раиси,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи раҳбари:

— Ҳаммамиз қўриб-билиб турибмиз, охириги вақтларда аҳолининг эътиёжманд қатлами манфаатини ҳимоялаш, улар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун катта ғамхўрлик қилинапти. Эътиёжманд оилавларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни арзон уй-жой билан таъминлаш, маиший техника ва қорамол харид қилишда имтиёзли кредит ажратиш ишлари ушшоқлик билан йўлга қўйилди. Тиббий хизмат борада ҳам ёрдам кўрсатилади. Буларнинг барчаси Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари асосида амалга ошмоқда. Хусусан, жорий йил 11 июнда «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашнинг рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ ногиронлар жамиятлари қошидаги корхоналарни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Ногиронларни иш билан таъминлаш, заиф қатламга ёрдам бериш, деганда, кўпчилик кўз олдида хайрия қилиш, имкониятидан келиб чиқиб ёрдам беришни тушунади. Аммо эътиёжманд инсонларга қандай қилиб, қай усулда

ёрдам бериш керак, деган масалада амалий ечим йўқ эди.

Президентимиз Олмазор туманига ташрифи доирасида «Кўкча текстиль» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиб, тикувчи оп-сингиларимиз билан суҳбатлашгани алоҳида муҳим воқеа бўлди, деб ўйлайман. Нимага десангиз, ана шу суҳбат асосида ногиронлиги бўлган кишиларни ўйлантириб келаятган яна бир муҳим масалада қарор тайёрлашга топшириқ берилди.

Ногиронлар ташкилотлари қошидаги корхоналар оғир вазиятда фаолият олиб бораётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Ҳатто уларнинг 70 фоизидан ортиги ачинарли ҳолатда, ўз айланма маблағига эга эмас.

Ногиронлар ташкилотлари қошидаги корхоналар бошқа корхоналарга ўхшамайди, уларнинг ўзига хос ташкилий тузилмаси мавжуд. Давлат уларни қўллаб-қувватлаш, имтиёз яратиб бериши мумкин. Шу боисдан ҳам республика ишчи гурухи тузилиши қарор билан белгиланган бўлиши керак. Ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналари тасарруфидидаги ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи комплекс ўрганиладиган бўлди. Ўрганишлар натижасида тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқарилади, албатта.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон қарлар жамиятига қарашли ҳудудда 3 та блокдан иборат саноат зонаси ташкил этилди. Улардан бирида «Кўкча текстиль» МЧЖ иш бошлади. Ушбу корхонада қарлар жамиятининг 27 нафар аъзоси иш билан таъминланди, айни пайтда, улар тикувчилик сир-асрорларини ўрганипти. Давлатимиз раҳбари тикувчи аёллар билан суҳбат чоғида амалга оширилаётган бундай ишлар изчил давом этишини, ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойлари ташкил этиш доимий эътиборда бўлиши айтиди.

Шунингдек, таширф довомида қар-соҳов болалар учун ўқитувчи-мутахассислар ва сурдотаржимонлар тайёрлаш долзарб масалалардан экани таъкидланди. Аҳолининг мазкур қатлами саводхонлиги,

тарбияси, ишлаш, дам олиш ва даволаниш шароитларини яхшилашга қаратилган алоҳида қарор тайёрлаш бўйича топшириқ берилди.

Бу ташаббус кўлаб юртдошларимизни қувонтирганига шубҳа йўқ. Чунки тақдирнинг турли синовлари қарама-қарсик, ҳар бир инсон ҳаёт тароватини билишни, ҳис этишни хоҳлайди. Уларга бу имкониятни яратиш бериш эзгулик ва инсонийликнинг юксак намунаси ҳисобланади.

Умуман олганда, эътиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш ҳаракати эндиликда бугун мамлакат ҳудудида тизимли равишда амалга ошириляпти. Очигини айтсак, йиллар давомида эътиёжманд кишиларни уй-жой билан, барқарор иш ўрни, муайян даромад манбаи билан таъминлаш масалаларида аниқ механизм яратилмаган эди. Ногиронлар жамиятлари ўз муаммоларини айтиб келарди, ҳатто бу масалалар давраларда муҳокама ҳам қилинган. Аммо уларни эътиб, эшитмасликка олган ҳолатимиз ҳам бўлди. Негаки, бунинг амалга ошириш ниятида катта эътибор, масъулият, ресурс ва маблағ талари эътиборда. Ногиронлиги бўлган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кейинги бир-бир ярим йил ичида муҳим ҳужжатлар қабул қилинган бу борада изчил ишловлар бошланганини аниқлатмоқда. Бундан биз, Халқ демократик партияси депутатлари ва фаоллари жиддий ҳушдорда. Биз ўзининг савол беришимиз керак: Бу ишловлар қандай ҳисса қўшаёмиз, қандай ташаббусларни илгари сураёмиз? Бу саволларга жавоб бериш қийин. Бугун биз нима қилмоғимиз керак?

Фикримча, қарор ва фармонлар, уларга мувофиқ белгиланган йўл-йўриқлар рўёбга чиқиши учун доимий равишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш зарур бўлади. Биз мана шу жараёнларда ҳеч қачон орқага қарамасдан, масъулият ва қатъият билан ҳаракат қилсак, эътиёжманд кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

ланди. 250 дан ортиқ хотин-қизни Бандликка қўмақлаш маркази ҳамкорлигида ишга жойлаштирдик.

Уч нафар ногирон аёлга тикув машинаси олиб берилиб, улар касаначилик асосида ишга жойлаштирилди, 70 нафар оиласи ночор хотин-қизлар маиший техника воситалари билан таъминланди.

Президентимиз томонидан имзоланган яна бир тарихий ҳужжат — «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисидаги Фармон ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олгани билан аҳамиятли.

Очигини айтиш керак, йиллар давомида ёшлар ҳақида жуда кўп гапирилди-ю, амалда эса улар тақдирига нажар орасидан қараб келинди. Ушбу Фармон ҳақиқий маънода қуруқ гаплардан амалий ишга ўтиш жарафини бошлаб берди. Ушар фармон чиққан куни туманимизнинг «Иброҳим ота» маҳалласида Ёшлар меҳнат гузарии ташкил этилди. Бу ерда ишга туширилган кутубхона, компьютер саводхонлиги, тикши-бичиш цехи, сартарошхона ҳам фаолият кўрсатади, ҳам ёшларга касб сирларини ўргатади.

Президентимиз айтган: «Билмайдими, ўргатадими, хоҳиши борми, шароит яратамиз, хоҳиши ҳам, укуви ҳам бор, лекин сармоясиз етмаяптими, унияма берамиз», — деган янгича тартиб, ўйламанки, хотин-қизларимизнинг, ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширади, уларнинг ёрқин келажагини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз Олмазор туманида бўлганида, миллий қадриятларимиз кўрки бўлган тўйлар масаласига алоҳида тўхталиб, тумандаги 58 маҳалланинг ҳар бирида 50 кишилик намунали тўйлар ўтказиш бўйича таклиф берди. Бу ташаббусга мутасаддиларнинг муносабати, фикр-мулоҳазалари қандай?

ОЛМАЗОРДА ИХЧАМ, КАМХАРЖ тўйлар ўтказилади

Мирзиёд МИРПОЎЛАТОВ,

«Нуроний» жамғармаси Олмазор туман бўлими маслаҳатчиси:

— Тўйлар борасида билдирилган таклифни бутун олмазорликлар қўллаб-қувватламоқда. Хозирдан бундай ихчамлаштирилган тўй ўтказиш ниятида бўлган ота-оналар бизга мурожаат қилишяпти. Чунки «Нуроний» жамғармаси туман бўлими томонидан «Гулзор», «Иброҳим ота», «Тараққиёт», «Олтинсой», «Гани Аъзамов», «Пахта» маҳаллаларида учрашувлар ўтказилиб ихчам, камхарж тўйлар масаласи муҳокама қилинган. Аҳолининг кўпчилиги тўй маросимларини кичик-роқ ташкил қилиш, турли ортиқча харажатларни қамайтиришни маъқуллаган эди. Одамлар бундай исрофгарчиликларни гуноҳ эканлигини тушуниб етганини ўшанда билганман.

Мен 40 йил давомида таълим соҳасида ишлаганман. Ёшлар психологиясини яхши биламан. Аслида катта тўй қилиш, дабдабага ҳойу ҳирс қўйиш ота-оналардан бошланади. Фарзандини тўғри йўлга бошқариш ўрнига дангасаликка, боқимандаликка ҳам ота-она ўргатади. Дабдабали тўй қайси сармоя ҳисобига қилинади? Албатта ота-онанинг йўлбаз ёмай-ичмай йўқдан пулга. Ёки енгил-елпи йўллар билан топишган пулга.

Ота-она боласига тўғри тарбия берса, меҳнат қилишга ўргатса, ҳалол едирса, у катталарнинг гапига қўлоқ солади. Тўйни ихчамгина ўтказиб, қолган пулга ўз бизнесини очади, ёки бирор-бир савоб ишга сарфлайди. Шунинг учун биз ота-оналар, болаларимизга тўғри йўлни кўрсатишимиз, уларни ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши учун ҳаракат қилишимиз керак.

Кузатишларим шунинг кўрсатадигани, бизнинг локайдлигимиз, манманлигимиз охири-оқибатда бошимизга бало бўлиб ёғилади. Фарзандларимиз оила қуришга тайёр эмаслигини кўра-бизла туриб, омонат оилани барпо қилаётгани, натижада ажралишлар сони ортмоқда. Бу эса жамият барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Яқинда менга, бир муштипар аёл мурожаат қилди. Унинг турмуш ўртоғи вафот этган. Ёлғиз ўзи болаларини воёга етказган. Катта ўғлини ўйлантиришга келганда, оила қийналиб қолибди. Мен унга, одамлар билан ишингиз бўлмасин, тўйни камхарж, ихчам қилиб ўтказамиз, ўзим бош-қош бўламан, деб йўл-йўриқ кўрсатдим. Аёл кўнди. Ўғил ҳам рози, яқинда тўй бўлиб ўтди. Оила бахтли ҳаёт кечирмоқда. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтсам. Назаримда, мутасаддилар тўйхоналардаги нархларни сунъий равишда оширишга йўл қўймаслиги керак. Тўйхоналардаги нарх-наволарни ҳам тартибга солиш вақти аллақачон келди, деб ўйлайман.

Хайрулло ҚАЮМОВ,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Олмазор туман бўлими раиси:

— Тўйлардаги дабдабозлик, исрофгарчилик, кимўзарга мусобақаланиш, ўринсиз сарф-харажатларнинг ортиб бориши, сарпо-суруқларнинг ақл бовар қилмас даражада кўпайиши — оила номли муқаддас ошён пойдеворига дарз кетишига олиб келади. Турли йўл билан пул топаётган, босар-тусарини билмай қолган баъзи бир кимсалар миллий қадриятларимизни оёқ ости қилиб, ўз бойлиқларини кўз-кўз қилишда тўй тадбирларидан фойдаланишмоқда. Бу ҳалол меҳнат қилиб, рўзгор тебратётган ўртаҳол юртдошларимизнинг албатта иззат-нафисига тегади, табақаланишга, норозиликка, ёшлар дунёқарашининг бузилишига олиб келади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган, тўйларни ихчамлаштириш таклифи кўпчилигининг дилидаги гап бўлди. Биз 58 маҳалла раислари билан аллақачон ишга киришдик. Ҳар бир маҳаллада 50 кишилик тўйлар бўлиб ўтади. Энг муҳими, бу таклиф одамлар чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқда.

Биз ош ва никоҳ маросимларига кетадиган ўртача сарф-харажатларни ҳам ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Ҳар ихчала тадбир ҳам белгиланган харажатлар асосида ўтказилса, ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. 8 август куни Гузарбоши маҳалласида намунали тўйлардан бирини ўтказамиз. Никоҳ маросимига келадиган санъаткорлар иштирокини ҳам муҳокама қилдик. Олдингидай бирорчиликларга ўрин йўқ. Битта санъаткор тўйни бошидан-охиригача ўзи ўтказди.

Элга кирсанг, эгингга қара, деган гап бор. Ҳамма қурбига яраша, имкониятига қараб тўй қилиши керак. Озгига кучи етмаган одамлар гапирса гапирaversин. У ҳам эртасига ҳамма юрган йўлдан юришга мажбур бўлади.

«БИЛМАЙДИМИ, ЎРГАТАМИЗ, ХОҲИШИ БОРМИ, ШАРОИТ ЯРАТАМИЗ»...



Муқаддам РАСУЛОВА,
Олмазор туман
ҳокимиятининг ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси
раиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев туманимизда бўлганида бир гапни қайта-қайта таъкидлади: аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, хотин-қизларни, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг кундалик шиоримизга айланиши зарур.

Бугунги талаб шундайки, уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашиб, ҳар бир оиланинг талаб-истакларини ўрганиб, уларнинг муаммоларига ечим топиш, тадбир-

корликни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш — мана, биз қилишимиз лозим бўлган асосий вазифалар.

Президентимиз тумандаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан суҳбатда бўлди. Фаоллар йиғилишидаги очиқ мулоқотда ёшлар Президентга ўз муаммоларини очиқ-ошкор баён қилиб, шу ернинг ўзида уларга ечим топилиди. Ёшлар билан ишлаш, саноат ва туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Тумандаги бўш турган биноларни инвентаризациядан ўтказиш, хорижий инвестициялар ва технологиялар олиб келиш, одамларга иш ўринлари яратиш зарурлиги таъкидланди.

Мамалякимиздаги ўзгаришларни, қабул қилинаётган дастурлар натижасини одамлар ўз уyiда сезиши кераклигини таъкидлади.

Очигини тан олиш керак, биз хозирги давр талабидан анча-мунча орқада қолаяпмиз. Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг эртанги кунига етарлики замин яратиш борасида оқсётганимиз билиниб қолаяпти. Мана, хозир Президентимиз томонидан илгари сурилган «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» ва «Ёшлар — келажагимиз» дастурлари шаҳар қишлоқларни обод қилиш, мактабга таълим ва мактаб таълимини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни етук инсонлар этиб тар-

биялашда ўз самарасини бера бошлади.

Жорий йилнинг бошида Президентимиз томонидан Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонда тизимдаги камчиликлар кўрсатилиб, уни бартараф қилиш йўллари белгиланган эди.

Тан олиш керак, хозиргача ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими яратилмаган эди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли тўйлар ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича қилаётган ишларимиз етарли даражада эмас. Буларни бартараф этиш ҳар биримиздан ўз ишимизга янгича муносабатда бўлишни тақозо этади.

Туманда аёллар ўртасида жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига қараганда 40 фоизга қамайган бўлса-да, бу борадаги мавжуд камчиликлардан кўз юмолмаймиз. Хозир туманимизда ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб бориш амалиёти кенг қўлланилмаяпти. Кўп кўрсаткичлар бўйича амалга ошираётган ишларимиз олдингига қараганда яхши.

Бугунги кунда Олмазор туманида 58 та маҳаллада 183 минг нафардан зиёд хотин-қиз истикомат қилади. Хотин-қизлар қўми-

МУНОСАБАТ

107 МАҲАЛЛАДОШИМИЗ
ХОРИЖДА...



Кўчкор КАРИМОВ,
«Намуна» МФЙ раиси:

— Маҳалламиз тумандаги энг катта маҳалла. Кўп эгу ишларда бошқаларга ўрнак бўлиб келганми. Аммо бугунги кунда 107 нафар фуқаромиз хорижга ишлаш учун кетган. Уларнинг орасида қўли гул усталар, педагоглар, турли соҳа вакиллари бор. Кўпчилиги эса зийиллардир. Бу оғриқли вазият.

Яқинда хорижда ишлаб юрган 8 нафар маҳалладошимиз қайтиб келгач иш билан таъминланди. Билиб-билмай жиноятга қўл уриб, жазо муддатини ўтаб қайтган 7 нафар фуқаромизга ҳам доимий иш топиб бердик. Бунинг ўзи етарли эмаслигини юқорида келтирилган рақамлар исботлаб турибди. Қолаверса, доимий иш ўрнига эга бўлмаган маҳалладошларимиз ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари республикамизнинг қайси гўшасига бормасин, аввало, аҳоли турмуши тўқислиги, уларга муносиб шароитлар яратилгани билан қизиқади. Уйма-уй юриб, ҳар бир оиланинг талаб-истакларини ўрганиш, муаммоси бўлса ёрдам бериш зарурлигини таъкидлайди.

Шу мақсадда маҳалламизда ҳам «Тадбиркорлик маркази»ни ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб турибди.

Маҳалламизда Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда фуқаролик масъулиятини ошириш, фарзандлик бурчини ҳис этиш муҳимлиги борасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Ўз навбатида Давлат бюджетига тушадиган маблағларни ҳамкорликда йиғиш, қарздорликнинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар қўйлаётмир. Биргина икки кун давомида олиб борилган амалий тадбирлардан сўнг ўн миллион сўмдан ошқ қарздорлик бартараф этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар маблағларнинг келгусида мақсадли сарфланишида муҳим аҳамият касб этади.

КОММУНАЛ ҚАРЗ —
ДОРЛИКНИ ЙИГИШ
МАҲАЛЛА РАЙСЛАРИ
ЗИММАСИДАМИ?



Оқилжон ХОЛМАТОВ,
«Тараққиёт» МФЙ раиси:

Президентимиз туманимизга ташрифи чоғида «Обод маҳаллада — обод кўнгли бўлади» дедилар. Бу гап замирида улкан маъно, эзгу мақсад муқассам.

«Обод маҳалла» дастури амалга оширилаётганидан халқимиз миннатдор. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимиз ҳам бор. Аввало, маҳалладошларимизга айтириш шукки, ҳар битта хонадон эгаси ўз уйини обод қилса, маҳалла секин-аста обод бўлиб боради. Давлат қилиб берар экан, деб қўл қовуштириб ўтиравериш ярамайди. Халқимиз бунга ўрганиб қолмаслиги керак.

Бир кун маҳалламизда шанбалик — ҳашар қилдик. Бир ҳовли оstonасига яқинлашганимизда, уйдан келинчак чиқиб, бизга ёрдам бераётганда қайнопаси эшикни очиб «Нима қилаяпсиз? Бу уларнинг иши. Ўйга қиринг», деб келинчакни олиб кириб кетди. Мана, одамларни нимага ўргатиб қўйди.

Маҳаллада сектор раҳбарияти билан уйма-уй юриб, муаммоларни жойида ҳал қилаяпмиз. Бизнинг маҳалламиз 1960 йилларда ташкил топган. Ўз вақтида берилган ерлар вақт ўтиб бўлиниб, 2 сотихдан бўлиб қолган. Шу боис, оилаларнинг 90 фоизининг муаммоси бу — уй-жой таъминоти масаласи.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга табиқ этилган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини жуда кўп муаммоларнинг ечими, десак бўлади. Чунки оилалда бекорчи одам бўлмаса, жанжал ҳам бўлмайди, жиноят ҳам қузатилмайдими. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади.

Коммунал қарздорликни ундиришда маҳалла раислари ҳам ёрдам бериши керак. Бу бизнинг мажбуриятимиз. Лекин охири пайтда тўловларни биз — ўзимиз йиғишимизга тўри келаяпти. Бизга Мажбурий ижро бюросидан рўйхат беришяпти. «Мана бу газники, мана бу электр энергиясиники, бу сувники. Илжой бўлса, шуларни ундириб беринглар» дейишяпти. Шунинг учун биз ҳам нафақа олишга келган фуқароларимиз билан тушунтириш ишларини олиб бориб, МИБ ходимларини чақирган ҳолда уларга ёрдам бераёямиз.

ЎЗА

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!

«УЙ ЭМАС, ҒУРБАТ СОТИБ ОЛДИМ»

дейди учинчи гуруҳ ногирони Ўрозгул Абдримова

Аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлаб, инсондек яшаши учун муносиб шароит яратиб бериш, уларни ҳаётдан рози қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларига айланган. Бу борада амалга оширилаётган тарихий ишлардан ҳамюртларимиз мамнун бўлишмоқда. Афсуски, айрим инсофсиз қурувчилар айби билан усти ялтироқ, ичи қалтироқ кўп қаватли уйлар кўзбўямачилик биланми ёки кимларнингдир «ёрдами» биланми, қандай бўлмасин, чала қурилиб, фойдаланишга топширилаётган экан..


Урганч шаҳри, Камолот кўчасининг 32-уй, 10-йўлагида яшовчи Ўрозгул Абдримова тахририятимизга ёзган шикоят хатида орзу-ниятлар билан пул тўлаб, уй эмас, ғурбат сотиб олганини алам билан ҳикоя қилади. Маълум бўлишича, онахон салкам тўрт йилдан буён адолат излаб овороа сарсон бўлиб юрибди. Негиз?

2013 йил 16 июлда у «Besept Oaziz» кўшма корхонаси билан 48-сонли шартнома имзолайди. Шаҳарнинг «Ғалаба» кўчасида қад ростлайдиган тўрт қаватли турар-жойдан шартномада кўрсатилганидек, 145500000 сўм қийматдаги 3 хонали квартиранинг 40 фоиз пулини олдиндан тўлайди. Кейинчалик яна 75 миллион сўмни пул ўтказиш йўли билан пудратчи ташкилот ҳисоб рақамига тушириб беради. Орадан ярим йил ўтиб, тўрт қаватли бино қад ростлайди.

Бу ёғини яхшиси, Ўрозгул опадан эшитамиз: «Биз яшашимиз керак бўлган тўрт қаватли 10-уй тайёр эди. Аммо ички томонидан ўта сифатсиз, фақат қийишқ ойна эшиклар ўрнатилган, шифти, деворни, полида зарур юмушлар бажарилмаган аҳволда эди... 2013 йилнинг декабрь ойида АТ Халк банки виллоят филиали амалиёт бўлими ходимлари келиб, барча квартираларни уй олдида тўплади. Улар ҳар ким ўзи шартнома асосида эгалик қилиши керак бўлган квартираларни худлик билан таъмирлаш ва кўчиб киришишни айтишди. Ҳатто таъмирлаш учун кетадиган харажатларни қўллаб берамиз, дейишди. Ким таъмирлашни хоҳламаса, квартирани бошқага сотамиз, деб таҳдид ҳам қилишди. Сабаби, ўтган ярим йилда смета харажатлари ошиб кетганимиз, пудратчи ташкилотнинг квартиранинг ички қисmini таъмирлашга имкони йўқмиш. Мен бундан бош тортидим. Негаки, шартномада барча ишларни 100 фоиз пудратчи бажариши белгиланган. Пудратчи ташкилот раҳбари М.Ўтаров менга яна 32 миллион сўм тўлашни айтди. Смета хужжатлари, қурилиш материаллари нархи ошганимиз. Мен аслида 25 миллион сўм тўлашим керак эди. Низо судча борди...»

Ў. Абдримова 5 марта судлашди. Барча суд инстанциялари пудратчи ташкилот фойдасига қарор чиқарди. Бу орада пудратчи ташкилот Ў. Абдримова олиши керак бўлган квартирани бошқа бировга сотиб юбориб, суд қарори билан Ў. Абдримовани хали кўчиб кирмаган квартирасидан чиқариб юборишга эришди. М.Ўтаров шартларига рози бўлган, квартирасининг ички қисmini ўзлари таъмирлаган фуқаролар янги уйга кўчиб ўтидилар. Аммо ушбу 9-, 10- уйлардан квартира олган айрим фуқаролар яшаб учун шароит яратишга озмунча маблағ сарфлашмаган. Ҳатто 70 миллион сўм сарфлаганлар ҳам бор..

Ҳақ-хуқуқини талаб қилиб, уйсиз қолаётган Ўрозгул опанинг бахтига «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» доирасида республика Бош прокурорининг виллоятда сайёр



Тегишувчилар нарвон қўйиб, уй деворини 1-қаватидан 4-қаватигача очиб қўришди, шикоятчилар ҳақ эди.

қабули бўлди. Онахоннинг дардини диққат билан тинглашди, масалани ўрганиб, адолатни қарор топдиришди. Ногирон аёлга квартира қайтариб берилди. Аммо тўрт йилча олдин қурилиб, фойдаланишга топширилган бу уйга Ўрозгул опа хали-хануз кўчиб киргани йўқ. Сабабини айтсак, ишонмайсиз.

Уша 9- ва 10- уйлардан квартиралар олиб, катта маблағ ҳисобига таъмирлашга мажбур бўлган фуқаролар ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишган эди. Натижада қурувчи ташкилот раҳбари М.Ўтаровга нисбатан 2015 йил 24 июлда жиноий иш қўзғатилди. Урганч шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган дастлабки тергов-суриштирувда бажарилган барча иш ҳужжатлари назорат ўлчовидан ўтказилганда, 303 миллион 729 минг 201 сўмлик иш сифатсиз бажарилгани, бунинг устига қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди.

Санжарбек Юсупов:

— 9-уйнинг 1-қаватидан 9-хонадонни олиш учун шартнома бўйича 145 миллион сўм тўладим. Банк ходимлари ҳамда пудратчи ташкилот раҳбари гапларига қараб, уйнинг ички қисmini таъмирладим. 4 ой мобайлида 53 миллион пул сарфлаб, уйни яшаб ҳолатига келтирдим. Суд қарори билан сарфлаган пулларимнинг ўндан бир қисmini олдим.

Аматбой Полёзов:

— 10-уйнинг 16-хонадонини ўз ҳисобимдан яшашига яроқли ҳолатга келтириш учун 27 миллион сўм сарфладим. Суд эса 3 миллион 397 минг сўм ундириб берди, ҳолос.

Майсара Мадаминова:

— 9-уйнинг 4-қаватидан 3 хонали уй учун шартнома бўйича пуллари тўладим. Аммо кўчиб кирай десак,

тўрт девор бор, ҳолос. Ҳатто ойна ва эшикларни тўғри ўрнатилмаган. Деворлари нотекис, бетон плиталар баланд-паст қилиб ўрнатилган. Уста ёллаб, уч ойда қайта қуриш, таъмирлашга 23 миллион сўм сарфладим.

Улугбек Рўзимов:

— Уч хонали хонадонни олиш учун банкдан 15 фойзлик 124 миллион сўм кредит олганман. Кредитни тўлаш керак, бу ёқда эса квартира яшашига мутлақо яроқсиз. Газ, электр тармоғи, сув қувурлари ўта сифатсиз эди. Газ ҳисоблагични ҳисобга қўйиш учун борсам, газ идораси ходимлари талабга жавоб бермайдими, арзон, сифатсиз бу матоҳ ярамайдими, дейишди. Барчасини ўз ҳисобимдан янгисига алмаштирдим. Қисқаси, 15 ой давомида қайта қуриш, таъмирлаш, сифатсизларини янгиларига алмаштириш учун 70 миллион сўм сарфладим..

Тўғриси айтганда, бу камчиликлар ҳолва экан. Тергов-суриштирув жараёнида виллоят давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ходимлари мазкур тўрт қаватли турар-жойнинг биринчи қаватидан тўртинчи қаватигача кўтариб турган асосий деворлар сувоғини назорат тартибидан очиб қўрганларида, ҳайратдан ёқа ушлашган бўлса керак. Негаки, гишт териш учун қоршимага цемент меъёрида ишлатилмаган, ҳатто деворларнинг икки чеккасига номига гишт терилиб, ўртадаги бўшлиққа синиқ гиштарлар, турли чиқиндилар ташлаб тўлдирилган. Бинони ушлаб турадиган сейсмологик боғичлар лозим даражада қўйилмаган. Қўйилганлари бир-бирига пайвандланмаган. Гишт ораларига арматура симлар қўйилмаган. Умуман айтганда,



Хонадон деворининг исталган жойидан сувоғини очсангиз, ана шундай аҳолини кўрасиз.

қурилиш меъёрий қоидалари кўпол равишда бузилган.

Пудратчи ташкилот бошлиғи М.Ўтаров «қурилиш ишлари сифатида иш бошқарувчи Қўзғайб Жумабоев масъул эди, бу жараёни у назорат қиларди», деди. Иш бошқарувчи эса «Қурилишга одамларни ёллаб ишлатдик. Қурувчилар кечқурунлари ҳам ишлашди. Шу сабаб уларни тўлиқ назорат қилиш имкони бўлмади», деди.

Бошлиқ сифатсиз ишларни иш бошқарувчига тўнаяпти, иш бошқарувчи эса қурувчиларга. Лекин негадир қурувчилар тергов жараёнида ҳам, судда ҳам кўринишмади.

Икки йилча давом этган можоро низо 2017 йилнинг 5 октябрида жиноят ишлари бўйича Хива туман суди биносига судья О.Машарипов раислигида якунига етган. Ҳукмда судланувчилар Матназар Ўтаров ва Қўзғайб Жумабоевлар жиноий қилмишлари натижасида 48 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳуқуқларидан манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказгани қайд этилиб, аммо 337 миллион 320 минг 168 сўм ушбу моддий зарарларни фуқаролик суди орқали ундириб олиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Яна суд ҳукми билан 36 нафар даъвогарга жами 130 миллион 314 минг 552 сўм ундириб берилган. Ҳар бирига 3.5 миллиондан сал кўпроқ миқдорда.

Суд ҳукми билан М. Ўтаров ва Қ.Жумабоевлар моддий жавобгарлик вазифасида ишлаш ҳуқуқидан бир-бир ярим йил муддатга маҳрум қилиниб, жарима жазосига тортилган.

— Ҳали уйга кўчиб келмайдиган бу ерда яшаётган кўркаман, — дейди Ўрозгул опа. — Худо кўрсатмасин, бирор табиий офат, зилзила бўлса, уй қулаб тушиши мумкин.

Ўйга, опа сал ошириб айтаятганга ўйшади, деб уйлашиниқ умминг. Ўрозгул опа олган, яшаши керак бўлган, хали ҳамон кўчиб келмаган хонадоннинг ички деворлари мутахассислар томонидан очилиб, ўрганиб қўрилганда, ҳақиқатан ҳам деворларнинг икки четига гишт терилиб, орадаги бўшлиқ гишт синиқлари, қум ва

ҳокзоплар билан тўлдирилган. Пол ва шифт ораллиғидаги 2.5 метрча бўлган девор аҳоли ана шундай. Бу девор қандай турибди, ҳайронсан. Тўғри, уй олган фуқаролар билан пудратчи ташкилот орасида низо чиққач, айрим хонадонлардаги ана шундай бўшлиқлар цемент қоршимаси билан шоша-пиша тўлдирилган.

Суд жараёнларидан бирида бу уйларни қабул қилишга масъулларнинг масъулиятига ҳам эътибор қаратилган. «Ғалаба» кўчасидаги 16 ва 32 хонадонли бу уйлар қуриб битказилганлиги муносабати билан фойдаланишга қабул қилиш юзасидан давлат қабул ҳайъати томонидан тузилган далолатноманинг 13-бандида ушбу уйларда лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, портлаш хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайдиган ва зилзилага қарши тадбирлар лойиҳага мувофиқ бажарилганлиги (!?) қайд қилинган. Ушбу ҳолат давлат қабул ҳайъати аъзолари томонидан бир овоздан тасдиқланган. Дастлабки тергов органи ўз қарорининг асословчи қисмида давлат қабул ҳайъати аъзолари фойдаланишга топширилаётган объектни таъки томондан текшириши назарда тутилганлиги, бу уйлардаги сифатсиз бажарилган ҳамда бажарилмаган ишлар асосан кўз билан қўриб бўлмайдиган ёпиқ қурилиш ишларини келиб чиққанлиги аниқланганлиги сабабли давлат қабул ҳайъати аъзоларининг хатти-ҳаракатларида лоқайдлик мавжуд эмас, деган вазҳар билан жиноят ишининг давлат қабул ҳайъати аъзоларига нисбатан бўлган бир қисmini тугатган. Майли, эҳтимол шундайдир.

Аммо Ўрозгул опа оила аъзолари билан яшаши керак бўлган 10-уй эгалари борган сайин ваҳимага тушмоқда. Чунки бирининг кўк ўртасида ёрик пайдо бўлган. Биринчи қаватдан томга қадар пайдо бўлган узлуксиз ёриқа бемалол қўл сигади. Бу ёриқ ўз айбини ҳасиллашга устамон қурувчилар томонидан қалла-чупла сувалган. Ҳўш, беш, ўн, йигирма йилдан кейин нима бўлади? Балки эртага?!. Ким сифатсиз қурилган бино қулаб тушмаслигига қафолат беради? Бундай ҳолатлар билан мутлақо муроаса қилиб бўлмайдику. Ёки уй-жой учун пул тўлаб, судма-суд овороа сарсон юрган оддий одамлар манфаатидан қўра, бир гуруҳ гирром қурувчи-тадбиркорлар манфаати устунми?..

Бу саволларга тегишли идоралар жавоб бериши керак, деб ҳисоблаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ТАХРИРИЯТДАН: Эътибор берган бўлсангиз, қурувчилар билан тузилган шартнома шартларига оддий одамлар амал қилишяпти. Бош пудратчи бўлган «Besept Oaziz» эса шартнома шартларини бузаяпти. Биринчида, уй-жой тан-наҳрини оширяпти, иккинчидан, хонадонлар чала қурилиб, кўзбўямачилик билан топшириляпти. Айбдорларга жазо қўлланшга эса қўнғилчанлик қилинаётганга ўхшайди. Ахир товуқхона эмас, одамлар яшаши учун уй қуриляпти. Текинга эмас, одамлар пулига қуриляпти. Бундай ҳолатларга жиддий чора қўрилмаса, эртага нима бўлиши, қандай оқибатларга дуч келишимиз мумкинлигини тасаввур қилмай қўрайлик.

Агар бу масалада айбдорларга қаттиқроқ жазо қўлланшга қонун йўл бермаса, унда тегишли қонунни қайта қўриб чиқиш керак бўлади, деб уйлаймиз. Мақсад битта — уй оламан деб пул тўлаган одамлар жабрланиб қолмишга йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир савол ҳалғга келади: «Besept Oaziz» корхонаси илгари қурган уйлар сифати қандай экан? Эҳтимол, бундай найрангни умр биринчи марта қўллашмаётгандир?..

ЎЗБЕКИСТОН ҚАРЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маданият ва санъат намояндалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон қарлар жамияти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.Отажонов, А.Абдуҳақимов, Олмазор тумани ҳокими Б.Раҳмонов мамлакатимизда ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармони ва жорий йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашнинг рағбатлантиришининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, тиббий хизматларни олишида янги имтиёзлар белгиланди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон қарлар жамияти Кар-соқовлар маданият марказининг 450 ўринли биноси тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. 6 гектардан иборат худуд дам олиш сайлгоҳига айлантирилди. Жамият аъзолари истиқомат қиладиган тўрт қаватли ётоқхона таъмирланиб, оилаларга газ плита ва бошқа маиший техника жиҳозлари топширил-

ди. Худудда 600 ўринли тикувчилик корхонаси барпо этилиб, бугунги кунда 100 дан ортиқ хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Президентимиз жамият аъзолари билан суҳбатда уларнинг яшаб шароити, дам олиши, саломатлиги, фарзандларининг таълим олиш билан қизиқиш, бу масалалар давлатимиз назоратида экани, яқин муддатда кар-соқов болаларининг саводхонлиги, тарбияси, ишлаши ва даволаниш шароитларини яхшилашга қаратилган алоҳида қарор тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов, таэквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидиров ва рақс тўғраги раҳбари, ҳалқаро танловлар ғолиби Олег Ошпенковга уй, Кар-соқовлар маданият маркази

аъзоларининг ижодий сафарларига қулайлик яратиш мақсадида иккита автобус совға қилинишини айтди. Тадбирда ушбу совғалар ўз эгаларига топширилди. Тошкент шаҳар кар-соқовлар маданият маркази ва Ўзбекистон кар-соқовлар спорт федерацияларига автобуслар совға қилинди.

— Президентимизнинг Ўзбекистондаги ҳар бир одам мен учун қадри деган сўзлари нафақат мени, балки ҳар бир онанинг кўзларига ёш қалқитди. Чунки у кишининг эътибори мана шундай фарзанди бор ота-оналар қалбига ҳам ҳаётга бўлган умид учкунини уйғотди, — дейди таэквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидировнинг онаси Гулнора Хидирова. — Икки ўғил, икки қизим бор. Фарзандларим орасида Давронга кўпроқ меҳр бериб ўстир-

дик. Ўғлим жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун қилган тинимсиз меҳнатлари туфайли шу даражага эришди. Худо хоҳласа, унинг шогирдлари ҳам мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаб, мамлакатимизнинг обрўсини жаҳонга танитишга ҳисса қўшади.

— Президентимизнинг эътиборидан тўлқинланиб кетдим, — дейди Даврон. — Бу мен каби бошқа ёшларнинг ҳам қийинчиликларни енгиб ўтишида далда беради. Давлатимизнинг менга берган меҳрини албатта оқлайман.

Тантанали байрам дастури, файзли дастурхон атрофидаги суҳбат жамият аъзоларига катта хурсандчилик бағишлади.

М.ЭЛМУРОВОВ,
ЎЗА муҳбири.

Фикрат дарғалари

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

«Мақсуд Қориев замондошлари хотирасида» деган китоб нашр этилди. Унда ўттиз икки муаллифнинг бир-биридан қизиқарли, бир-бирдан ибратли хотиралари мужассам. Лекин муаллифлар бир нарсани ақидил: «устознинг мурувватли, меҳр-оқибатли шахси олдида ҳаммамиз бош эгамиз». Бу ҳақда устознинг ўзи «ён дафтардаги биткилар»да ҳаммамиздан ҳам ошириб айтиб қўйибди: «Меҳримдан бошқа давлатим йўқ»...

Кейинроқ устознинг эсдаликлари ёзилган китоблари орқали шуни билдимки, Мақсуд Қориев Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Себзор маҳалласида туғилган, Тахтаулликда янги мактабда ўқиган экан. Мен ҳам Тахтаулликман. Болалигим, ёшлигим устоз «Эзуликка интилиб» китобида тасвирлаган Калкавуз анҳори бўйларида ўтган.

Бу жуда чиройли, файзли гўша эди. Уйимизнинг икки томонида иккита тегиримон кечаю-кундуз тинмай ишлаб турарди. Трамвай, троллейбус қатнайдиган катта тош йўл биқинидаги серкатор йўлчалар қаторидаги нон дўкони, сартарошхона, олди очик айвонли мўжаз чойхона уйимиздан шундоқ кўриниб турарди.

Йўл бошидаги катта саҳни эгаллаган ғалла омбори, ундаги дон-дунларни шопириб гуриллаб ишлаётган баҳайбат комбайннинг шовқини тинмасди. Уруш йиллари эмасми, бу гўша кечаю кундуз уйғоқ эди. Ярим кечада нонга, керосинга навбатга чиқиларди. Мен ҳам онамнинг этагини тутиб, у билан бирга юрардим. Кимдир рангли қаламни лабиди хўлаб кафтига навбат рақамини ёзар, кимдир навбатдаги ўз ўрнига гишт ёки сопол парчаси, тошми бостириб, ўзидан кейингиларга тайинлаб, ишониб кетарди. Баъзида ёш йигитчалар

тош парчалари ўрнини алмаштириб қўйишар, бундай келишмовчиликлар оқибатида жанжал чиқарди.

Кичкинагина қизалоқман. Бундан чўчибгина, онамнинг этагига ёпишиб олардим. Улар бўлса бу пайтда ярашиб олиб, бир-бирларининг елкаларига қўл ташлашиб, ўйнаб кетишарди.

Уёғини сўрасангиз, Мақсуд Қориев билан хилхонамиз ҳам бир жойда экан. Ота-онамни йўқлаб «Тешикқопқоқ» қабристонига борганимда, албатта Мақсуд Қориев ва унинг умр йўлдоши Марғуба опа хоки-пойини зиёрат қиламан. Хаёлимдан бирга ишлаган алғов-далғовли, ҳам хушхуш, ҳам меҳрли кўнлар ўтади. Бу покиза инсонлар руҳига дуои қалимани айтмай, ота-онам бошига ҳеч қачон ўтиб кетолмайман. Ахир, яхшилик унутилмайди! Бундай инсонларнинг ҳаёти яшаб ўтган умридан ҳам узун, бардавом бўлади.

Мақсуд Қориев ўзбек журналистикасининг ярим асрлик тарихи меъморларидан, яратганларидан, яшнатганларидан бири бўлиб ўзбек матбуоти тарихида қолди. Устоз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» эди. У «Шўхрат» медали, «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланган. Нафақага чиқиш адибнинг ёзувчилик салоҳиятини янада раванқ толишига беқиёс имкониятлар берди. Умр гултожи бўлган кексалик унга чинакамга ижодий ҳаёт, ижодий парвоз бўлди, ниҳоятда хайрли келди. Чунон баракали хирмонлар уйди. Ижодда буткул очилиб кетди, ёзувчилик салоҳияти бутун бўй-баста, имкониятлари, захира-лари билан намоён бўла бошлади.

«Ойдин кечалар», «Ибн Сино», «Спитамен», «Ғазнавийлар», «Маъсуд тарихи» каби романлари жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилди. Очиғини айтганда, буларнинг бари журналистика медалари эди. У журналистикадек жангвор йўналишда обдон пишган, чиниққан, ҳаётни ўрганган, бир сўз билан



Газетанинг навбатдаги сони муҳокама қилинмоқда. 1968 йил.

айтганда, журналистика қозонида қайнаб етилган ёзувчи эди.

Энг муҳими, Мақсуд Қориев ўта оғир, мураккаб йилларда ҳам ўзлигига шикаст етказмаган, ўзлигини асраб қолган миллатсевар ижодкор эди. Қизгин сиёсий жараёнда эллик йил хизмат қилиш унинг адабиётга, маънавиятга, қадриятларимиз, тарихимиз, ўтмишимизга бўлган қизиқишини мутлақо сўндирилмаган, аксинча илхосини янада оширган эди. Бу унинг тарихий мавзуларга мурожаат этиши, изланиши, ўрганиши, тадқиқот олиб бориши ва ниҳоят шу йўналишда кетма-кет асарлар яратишида намоён эди.

Ёзувчининг бирдан-бир гоёси бу — тарихни билмай туриб, бугуннинг қадрига етиб бўлмайди. Унинг «Спитамен» романини ёзишга тайёргарлик жараёни ва романининг нашрдан чиқиб, ўз ўқувчиларига етиб бориш вақти-соати республикамизда айтиш мустақиллик шабадлари эсаётган, ўйғониш даврига тўғри келган эди. Бу масалада ҳам адибнинг нияти — журналист сифатида замон нафасини туйиш, миллатимиз учун ўз илдишлари, қадриятларини билиш, тушуниш ҳозир айтиш мудири эканини айтиш эди.

Тарихий романлари чинакамга олимона изланишлар, қадимий манбаларни қидириш, топиш, ўрганиш самараси бўлди, ҳужжатлар, манбаларга

қўшиб-чатмай, бўрттирмай, тарихий ҳақиқатларни изчил ўрганиб, борича ўқувчига тақдим этиш учун узоқ вақт, тоқат, ирода ва энг муҳими катта салоҳият керак эди. Бир роман устида ишлаш — бир дорилфунунда ўқиб, уни битиришдек машаққатли меҳнат эди. Демак, ёзувчи Мақсуд Қориевнинг ҳар бир романига бир дорилфунун тухфаси, деб қарамоғимиз керак.

Мақсуд Қориев Маҳмуд Ғазнавий ҳукмдорлик қилган даврга оид «Ғазнавий» деган роман ёзди. Ва бу билан ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган давлат арбоби ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг қарор топишига катта ҳисса қўшди.

Устоз ижодини таҳлил қилиш ниятим йўқ. Мутахассислар Мақсуд Қориев романларининг халқчиллиги, қанчалик бадиий маҳорат билан ёзилганлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини муаллиф ҳаётлиги-даёқ айтиб улгуришган.

«...Спитаменнинг Қорасоч лақаби оти романда асосий қаҳрамонлардан бирига айланган. Отнинг ўз эгасига бўлган вафодорлиги шу даражада ифода этиладики, Қорасоч роман охирида Спитамен қабри устида жон беради... От вафосининг Қориевча талқини уни Лев Толстойнинг Холстомери, Чингиз Айтматовнинг Гулсариси, Стоп Толмсоннинг «Ёввойи йўрга»сига яқинлаштираса ажабмас», — деб ёзган эди фалсафа фанлари доктори Нарзулла Шодиев.

Мақсуд Қориевнинг ёзувчилик салоҳияти, таланти, ёзаолиши ва ёзабилиш захиралари жуда кенг ва кучли экани асарларида намоён бўлади. У айтиш кучга тўлган, ётуқ ва етилган йилларини тонг отар газетга чиқариш машаққатлари билан ўтказди.

«...Бизнинг энг кучга тўлган ижодкорлик йилларимиз оғир даврга тўғри келган. Коммунистик тузум эркин фикрлаш учун имкон бермади. Миллий гуруҳимиз, анъаналаримизни толтади. Бир хилдаги қотган темир гоёлар исқан-жасида яшашга, ижод қилишга тўғри келарди», — деб ёзган эди Мақсуд Қориевнинг ўзи.

Уйлаб кўрсам, Мақсуд Қориевга «Ойдин кечалар» китобининг сўнгги саҳифасидаги қуйидаги сўзлардан ошириб, баҳо беролмайдиганга ўхшардим. Эшитинг: — Фикрат дарғалари ўтган замонни, бугунни бор йўллари, чорраҳаларини яхши-ёмон кўнлар билан кўз олдимизга олиб қўяди. Сўйдиради. Қуйдиради. Мақсад, биз бугунгилар бу ҳодисалардан тўғри хулосалар чиқарайлик. Тўғри йўллар топайлик...

Охири. Бошланиши 21-26-28-июнь сонларида.

РЕКЛАМА

Moody's
INVESTORS SERVICE

Халқаро рейтинг агентлиги



O'ZMILLIYBANK

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банкининг

кредит рейтингларини
ТАСДИҚЛАДИ

Миллий валютадаги депозитлар рейтинги **B1**

Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2**

Рейтинглар прогнози: «**Барқарор**»

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАҲРИР НАҲ'АТИ:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallari ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738. 6903 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:35.

Topshirilgan vaqti — 03:15.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6